

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ  
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТОИРОВ БОБУР АКБАРОВИЧ**

**ВИТИЛИГОНИ ДАВОЛАШДА ҲУЖАЙРАЛИ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)**

**Тоиров Бобур Акбарович**

Витилигони даволашда хужайрали технологиялар..... 3

**Тоиров Бобур Акбарович**

Клеточные технологии в лечение витилиго ..... 25

**Toirov Bobur Akbarovich**

Cellular technologies in the treatment of vitiligo ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ  
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТОИРОВ БОБУР АКБАРОВИЧ**

**ВИТИЛИГОНИ ДАВОЛАШДА ХУЖАЙРАЛИ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Tib473 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Сабиров Улугбек Юсулханович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хайтов Қахрамон Нажмитдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент <b>Ташкенбаева Умида Алишеровна</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Камалов Зайнитдин Сайфутдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» март куни соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871)262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (525 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871)262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» март куни тарқатилди.  
(2021 йил «10» март даги 100 рақамли реестр баённомаси).



**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э.А.Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И.Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда витилиго касаллигини самарали ташхислаш ва даволашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чунки жаҳонда «...витилиго касаллиги тери касалликлари орасида кенг тарқалган бўлиб, болалар ва катталар орасида 0,5-2% ини ташкил этмоқда...»<sup>1</sup>. Витилиго касаллигини даволашга бўлган консерватив даво усуллари бўлишига қарамадан айрим депигмент доғларини бартараф этишда меланоцитларни трансплантациясини амалга оширишни талаб этмоқда. Бугунги кунда жаҳон амалиётида витилиго меланогенезида ўтказилаётган даволаш касаллик механизмида иштирок этувчи ҳужайравий-молекуляр омилларга ҳамда меланин пигменти ишлаб чиқарилишига таъсири самарадорлигини аниқлаш ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда витилиго касаллигини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш (клиник, иммунологик, имуногистокимёвий ва молекуляр-генетик жиҳатлари) мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада витилиго билан хасталанган беморларнинг депигмент соҳасидаги ҳамда уларнинг соч фолликулалари меланогенез тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш ва даволаш усуллари такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Витилиго ташхисланган беморлар терисидаги сигнал оксилларини аниқлаш; трансмембрионал рецепторлар ва тирозиназа билан боғланган антигенлар экспрессиясини аниқлаш; патологик ўзгаришларига олиб келувчи омилларни аниқлаш; меланоцитлар апоптозини бошқарувчи протеинлар ҳолатини баҳолаш; касалликни кечиши ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; соч фолликулаларидаги мезенхимал ҳужайралар билан ассоцирланган даволашни такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Витилигиноз соҳага функционал меланоцитлар ва соч фолликулалари мезенхимал ҳужайраларини трансплантация қилиш билан даволаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар ва катталар орасида юзага келадиган турли тери касалликларини олдини олиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, турли ёшдаги беморларда витилиго келиб чиқиш хавфини эрта ташхислаш, терини табиий

<sup>1</sup>Whitton M, Pinart M, Batchelor J, et al. Interventions for vitiligo. Cochrane Database Syst Rev 2010.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони.

рангини тиклаш, косметик нуқсонни бартараф этиш ва депигментацияни соч фолликулаларидаги мезенхимал ҳужайралар билан трансплантация қилиш каби тадқиқотларни устувор амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Витилигони даволашда ҳужайрали технологияларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Colorado, Broward Health (АҚШ); University of Henri Mondor, (Қироллик Университет, Кингстон, Онтарио (Канада); University of Bordeaux (Франция); University of Cincinnati (АҚШ); Department of Dermatology, Beaumont-Farmington Hills, Detroit, MI, (АҚШ); Bangalore Medical College and Research Institute, Bangalore (Ҳиндистон); University of Adelaide (Австралия); University G. Marconi of Rome (Италия); University of Ulsan (Жанубий Корея); Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда витилигони даволашда ҳужайрали технологияларни баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: меланоцит ҳужайраларни трансплантациясидан кейин витилиго касаллиги ривожланиш жараёни пасайишига боғлиқлиги исботланган (University of Adelaide (Австралия); витилигода моддалар аламушуви жараёнига таъсир кўрсатадиган дори воситалари самарадорлиги исботланган (University G. Marconi of Rome, Италия); витилигони даволашда JAK ингибиторларининг ўрни ва аҳамияти исботланган (Қироллик Университет, Кингстон, Онтарио, Канада); JAK сигнал трансдукторлари ва транскрипция (STAT) IFN- $\gamma$ -боғлиқ цитокинлари витилиго пайдо бўлиши механизмидаги иштироки исботланган (University of Bordeaux, Франция); кальциневрин, ультрабинафша нурлар ва

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.adelaide.edu.au](http://www.adelaide.edu.au), [www.unimarconi.it](http://www.unimarconi.it), [www.cumedicine](http://www.cumedicine), [www.queensu.ca](http://www.queensu.ca), [www.u-bordeaux.fr](http://www.u-bordeaux.fr), [www.browardhealth.org](http://www.browardhealth.org), [www.uc.edu](http://www.uc.edu), [www.ucss.edu.pe](http://www.ucss.edu.pe), [www.dermatology.uz](http://www.dermatology.uz) сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

фототерапиянинг патологик жараёнга таъсир механизмлари аниқланган (Broward Health, АҚШ); даволашнинг қондаги циркуляр специфик меланоцитлар микдорига боғлиқлиги исботланган (University of Cincinnati, АҚШ); витилигода стресс-индуцирланиш омиллар аҳамиятининг патогенетик механизмлари ишлаб чиқилган (Седес Сапиенте Католик университети, Перу); репигментация жараёнига гиалурон кислотаси қўшиш орқали хужайрали технологиялар такомиллаштирилган (Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда витилигони даволашда хужайрали технологияларни илмий асослаш бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: *in vitro* тизимидаги меланоцитларни меланогенез жараёнига таъсирини аниқлаш; репигментацияда кўчириб ўтказилган фаол меланоцитларнинг базал мембрана билан бирикиш механизмини аниқлаш; витилиго касаллигида лазер ва ультрабинафша нурларининг тўлқин узунлигига боғлиқ пигментация жараёнига таъсирини аниқлаш; меланоцитлар дифференциацияси фаоллаштирувчи хужайра цитоплазмасидаги тирозиназага боғланган оқсил ҳолатини аниқлаш; касалликни даволашда қўлланиладиган замонавий хужайравий технология усулларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Витилигони даволашда кенг қўлланилувчи даво усулларида ҳисобланган ПУВА-терапия, қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлари билан даволаш, топик стероидлар ҳамда кальциневрин ингибиторлари каби малҳам дорилар ишлатилишига қарамасдан айрим ҳолатларда витилигиноз депигмент доғларни тўлалалигича репигментация ҳолатини тиклаш имконсиз бўлиб келмоқда. Бундай ҳолатдаги витилиго билан хасталанган беморларни дунё амалиётида регенератив тиббиётнинг бир йўналиши ҳисобланувчи хужайра трансплантация даволаш усулларида фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Ушбу даволаш тартибидан фойдаланиш витилигиноз депигмент соҳага функционал фаол меланоцитларни аутоотлик ҳолатда кўчириш билан амалга оширилади. Регенератив тиббиётни мукамал татбиқ этиш орқали хужайрали трансплантация даволашда кейин функционал фаол меланоцитлар ва мезенхимал хужайраларни депигмент соҳада уларни яшаш қобилиятини, аутоиммун жараёнга чидамлилигини ошириш ва функционал ҳолатини тиклашга қаратилиши тиббиётнинг ушбу йўналишини чуқур ўрганишни талаб этади. Хорижий олимлар витилиго сигнализация йўллари ўрганишга катта ҳисса қўшганлар (Krüger C, Ezzedine K, Suzuki T, Gawkrödger D.J, Njoo M.D., Whitton M.E., Pinart M., Radakovic S., Breier-Maly J, Lubaki L.J.). Улар Wnt/ $\beta$ -катенин сигнализация йўли 19 рецепторлар Фриззлед (Frizzled, Fzd) ёки LRP корецепторлари (LDL-receptor-relatedprotein) билан боғланган 15 та оқсилдан иборат эканлигини аниқлаганлар. Каноник Wnt сигнали каскадини фаоллаштиришдаги асосий ҳодиса  $\beta$ -катенин стабиллашувидир, шу сабабли бу сигнал йўли  $\beta$ -катенин деб ҳам аталади. Фаоллаштириувчи сигнал бўлмаса ядро ва цитоплазмада  $\beta$ -катенин концентрацияси нисбатан паст даражада сақланади. Бунга Axin и APC оқсиллари (adenomatous polyposis coli) ва GSK-3 $\beta$  оқсил киназаси (гликогенсинтаза-киназа 3 $\beta$ ) каби махсус оқсил мажмуаси «деструкцияси» ёрдамида эришилади.

Мажмуанинг бир қисми сифатида  $\beta$ -катенин фосфорланишга учраб, унинг кейинги емирилиши учун сигнал бўлиб хизмат қилади. Axin и APC (adenomatous polyposis coli) ва протеинкиназа GSK-3 $\beta$  (glycogensynthase-kinase 3 $\beta$ ) комплекс таркибида  $\beta$ -катенин фосфорилацияга учрайди, бу унинг кейинги парчаланиши учун сигнал бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, тирозиназа билан боғлиқ оқсил-2 (TRP2) меланоцитлар дифференциациясининг асосий антигенларидан биридир. Функционал жиҳатдан TRP2 меланин тузилиши ва таркибини ўзгартирадиган допахромо таутомеразадир (ДХТ). Тирозиназададан фарқли ўлароқ, TRP2 тўлиқ депигментацияга олиб келмайди, аксинча пигментация рангини ўзгартиради. Сўнгги тадқиқотлар TRP2нинг меланомадаги иммунологик касалликларда ўрни ва унинг бошқа дифференциал антигенларга ўхшашлигини кўрсатмоқда (Krüger C., Schallreuter K.U., 2015; Усовецкий И.А., Владимиров В.В., 2018). Ҳозирги вақтда меланоцитлар ва кератиноцитларни витилиго билан касалланган беморларнинг терисидан ажратиш, культуралаш ва уларни кейинчалик трансплантация қилиш усуллари ишлаб чиқилган. Витилиго учун аутологик ўстирилган меланоцитлар ва кератиноцитларнинг трансплантацияси витилигони даволашдаги энг замонавий даво усули сифатида қаралади.

Ўзбекистондан қатор олимлар томонидан тери касалликлари билан биргаликда витилигони ташхислаш ва даволаш тизимлар яратилган, яъни, таркибида мис сақловчи препаратлар ва стероид малҳамлар билан даволашдаги аҳамияти исботланган (Капкаев Р.А., Ваисов А.Ш., 1994), витилигонинг патогенетик хусусиятлари ва замонавий даволаш тартиби тизимлаштирилган (С.С.Арифов, 2006), бироқ, витилигони даволашда ҳужайрали технологияларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш борасида тадқиқотлар олиб борилмаган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, витилиго касаллигида меланогенезда иштирок этувчи сигнал ва апоптотик омиллар, рецепторлар, тирозиназа билан боғланган оқсилларни тадқиқ қилиш, депигмент ҳамда соч фолликуласининг иммуногистокимёвий морфологик вариантлари, касалликни клиник кечиши ва уни ўзига хосликларини, витилигони самарали ташхислаш ва даволаш муаммоларини ўрганишда истиқболли илмий асосланган йўналишни ташкил этади. Бундан ташқари, адабиёт маълумотларига мос ҳолда витилиго меланогенезида иштирок этувчи сигнал омиллари ўзгаришларга учрайди, у аутоиммун жараёнлар ривожланишини белгилаб беради. Бироқ бизлар оммавий адабиёт манбаларида айнан витилиго билан хасталанган беморларда соч фолликулари ўзгаришига бағишланган илмий ишларни топмадик.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-СС-2019-7 «Инсон орган ва тўқималари трансплантациясининг янги технологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.



**Тадқиқотнинг мақсади** витилигони даволашда қўлланиладиган хужайрали технологияларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

витилигода касаллик турларига хос клиник кечиши ҳолатини баҳолаш;  
витилиго билан хасталанган беморларда VASI ва VIDA индекси кўсаткичлари асосида даволаш натижасини баҳолаш;

депигмент, соч фолликуласи, репигмент тери биоптатларида ўзак хужайралари мультипотент молекулаларининг BMP ва Wnt-сигнал йўллари ҳолатини аниқлаш;

депигмент, соч фолликуласи, репигмент тери биоптатларида апоптоз регулятори Bcl2 ва c-kit рецептори ҳолатини баҳолаш;

депигмент, соч фолликуласи, репигмент тери биоптатларида меланоцитлар дифференциацияси фаоллигини кўрсатувчи хужайра цитоплазмасидаги тирозиназага боғланган оқсил (TRP2) кўрсаткичларини аниқлаш;

витилиго билан хасталанган беморларда патогенетик асосланган даво тизимини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017–2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида назоратда бўлган 345 нафар витилиго билан хасталанган ва 20 нафар соғлом шахслар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар вена қони ва зардоби ҳамда тери биопсияси намуналари иммуногистокимёвий тадқиқотлар учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, функционал, биокимёвий, иммунофермент, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор касалликни даволашда депигмент соҳага культура қилинмаган эпидермал хужайралар суспензиясига соч фолликулалари мезенхимал хужайраларини қўшиш билан амалга оширилган трансплантацияда VASI индекси кўрсаткичларига боғлиқ бўлмаган ҳолда репигментация даражаси юқори бўлиши исботланган;

VIDA индекси паст кўрсаткичли витилигони даволашда қўлланиладиган эпидермал хужайралар суспензиясига соч фолликулалари мезенхимал хужайралари қўшиш билан амалга оширилган трансплантация усулининг самарадорлиги юқорилиги исботланган;

витилиголи беморлар депигмент соҳа ва соч фолликулаларидан олинган тери биоптатларида Wnt ва BMP сигнал оқсиллари, c-kit рецептори, Bcl2 апоптоз омили ҳамда хужайра цитоплазмасидаги тирозиназага боғланган оқсил (TRP2) кўрсаткичлари депигмент терига нисбатан соч фолликулаларида юқори бўлиши исботланган;

илк бор витилиголи беморларни даволашда культура қилинмаган эпидермал хужайралар трансплантациясига нисбатан соч фолликулалари мезенхимал хужайралар билан культура қилинмаган эпидермал хужайралар биргаликда трансплантация қилиш усулида репигмент терида Wnt ва BMP сигнал оқсиллари,

c-kit рецептори, Bcl2 апоптоз омили ҳамда ҳужайра цитоплазмасидаги тирозиназага боғланган оксил (TRP2) кўрсаткичлари миқдори юқори бўлиши исботланган;

меланоцит ҳужайралар функционал фаоллиги ва депигментация ўчоқларидаги регенератив жараёнлар юқорилиги асосида витилигонинг юқори технологик патогенетик асосланган ҳужайравий трансплантация даволаш усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

витилиго билан касалланган беморларни касаллик кечишида ва депигмент доғларни тарқалишига қараб витилиго индекслари VASI ва VIDA индекслари ўрни баҳоланган;

витилиго билан хасталанган беморларни даволашда даво самарадорлигини VIDA индексига кўра танлаш тавсия қилинган;

витилиго билан хасталанган беморларни меланоцит ҳужайралари функционал фаоллиги сақланиши ва мезенхимал ҳужайралари текширилиши тавсия қилинган;

касаллик ҳолатини баҳолаш ва замонавий патогенетик асосланган комплекс даволаш тизими такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти витилигони даволашда қўлланиладиган ҳужайрали технологияларни такомиллаштириш келажақда витилиго билан касалланган беморларни клиник ҳолатини, витилиго индекслари саналган VASI ҳамда VIDA индексларининг ўрни, беморларда VIDA индексининг паст кўрсаткичларида депигмент соҳага функционал фаол меланоцитлар ва мезенхимал ҳужайралар трансплантацияси учун кўрсатма бўлиши, депигмент доғ ҳамда витилиго билан хасталанган бемор соч фолликуласидаги меланогенезда иштирок этувчи Wnt ва BMP сигнал омиллари, c-kit рецептори ва Bcl2 апоптоз омили ҳамда TRP2 оксили миқдори фарқланиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такомиллаштирилган комплекс даволаш патологик депигмент соҳадаги ва витилиго билан хасталанган беморлар соч фолликулаларидаги мезенхимал ҳужайралар функционал ҳолати ҳамда фаол меланоцитларни соч фолликулалари мезенхимал ҳужайралари билан уларнинг регенерациясини кучайтириш, аутоиммун жараёнга нисбатан чидамлилигини ошириши, даволаш самарадорлигини ошириши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Витилигони даволашда хужайрали технологияларни қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фаол меланоцитлар ва соч фолликулалари мезенхимал хужайраларини трансплантация қилиш орқали самарали даволаш тизимини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган «Соч фолликулалари ташқи ўзак қобиғи культура қилинмаган хужайралари суспензиясини трансплантацияси усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/377-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши витилиго касаллигини даволашда оқ доғларни терининг ўзига хос рангини таъминлаш мақсадида фаол меланоцитлар ва соч фолликулалари мезенхимал хужайраларини трансплантация қилиш орқали даво самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

беморлардаги терининг зарарланиш соҳасига қараб касалликнинг тарқалганлиги ва тарқалиш жараёнининг турғунлигини инобатга олган ҳолда даволаш тартибини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган «Витилиго касаллигини замонавий даволаш тартибини такомиллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 8н-р/534-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши витилиго билан хасталанган беморларни даволашда витилиго индексларини ўрни муҳимлиги ҳамда функционал фаол хужайраларни трансплантация қилиш орқали даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

витилигони даволашда хужайрали технологиялар бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази, Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятлари тери-таносил диспансерлари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги №8н-д/238-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши тиббий ёрдам сифатини ошириш, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали витилиго билан касалланган беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, амбулатор ҳамда стационар шароитда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Витилигони даволашда хужайрали технологияларнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида витилиго касаллиги муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Витилиго касаллигининг этиологияси ва патогенези, кўзгатувчи омиллари ва касалликнинг ривожланиш механизми тўғрисида тўлиқ илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда келтирилган. Тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари баён этилган. Кейинги текширувларни талаб қилувчи, мунозарали саволлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Витилигони даволашда хужайрали технологияларни қўлаш самарадорлигини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, витилиго касаллигининг клиник кечиши ва витилиго билан оғриган беморларда витилиго индекслари ҳамда лаборатория тадқиқот усуллари ўз ичига олган тадқиқот материаллари келтирилган.

Тадқиқотда текширилган барча 345 нафар витилиго билан хасталанган беморлар клиник шаклига кўра 2 гуруҳга бўлинди. 1-гуруҳни витилигонинг сегментар шакли касалланган 121 нафар (35%) бемор; 2-гуруҳни носегментар шакли витилиго билан касалланган 224 нафар (65%) беморлар ташкил этди.

Витилиго билан касалланган беморлардаги касалликни клиник кечиши витилиго индекслари ҳисобланган VASI ва VIDA индекслари билан баҳоланди.

Тадқиқот бажарилиши давомида клиник, инструментал, иммунофермент ҳамда иммуногистокимёвий текширувлар қўлланилди.

Иммуногистокимёвий тадқиқотлар витилиго билан касалланган беморларнинг депигмент териси ва соч фолликуласидан, даволашдан кейин юзага келган репигмент теридан ҳамда соғлом инсонлар терисидан олинган биоптатларда меланогенезда иштирок этувчи Wnt ва BMP сигнал омиллари, соч ўсиш циклида меланоцитларни фаоллаштиришга хизмат қилувчи c-kit рецептори ва Bcl2 апоптоз омиллари ҳамда тирозиназа билан боғланган фермент оксиди (TRP2) молекулалар экспрессияси «Prestige Polyclonal and Monoclonal» (АҚШ) ишлаб чиқарувчининг баённомасига мувофиқ амалга оширилди.

Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ – 121 сегментал витилиго (СВ) билан касалланган беморлар, шулардан 32 нафарда культура қилинмаган эпидермал хужайралар трансплантацияси ўтказилди (NCECS – Non Cultured

Epidermal Cell Suspension), 25 беморга NCECS ва соч фолликуласи ташқи илдиз қобиғи хужайраларининг комбинацияси ўтказилди (NCECS+NCORSHFS – Non Cultured Outer Root Sheath Hair Follicle Cell Suspension), қолган 64 нафар беморга даволанишдаги анъанавий даво усулидан фойдаланди. 2-гуруҳ - носегментар витилиго (НСВ) билан касалланган 224 нафар бемор, шундан 31 беморга культура қилинмаган эпидермал хужайралар трансплантацияси ўтказилди (NCECS), 25 беморга NCECS ва соч фолликуласи ташқи илдиз қобиғи хужайраларининг комбинацияси амалга оширилди (NCECS+NCORSHFS), қолган – 143 нафар беморларга анъанавий даво усули қўлланилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Pentium – IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастурий пакети ёрдамида ички статистика функцияларидан фойдаланиб статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Витилиго билан касалланган беморларни VASI ва VIDA индекси бўйича баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида витилиго билан касалланган 345 нафар беморларда витилигонинг клиник шакллари, касалликни кечиши ҳамда патологик депигмент доғларнинг жойлашувига кўра тақсимланган. Ёшга кўра тақсимланганда, 18 ёшдан 69 ёшгача бўлган 345 нафар беморларнинг ўртача ёши  $37 \pm 12$  ёшни ташкил этган. Ёш гуруҳлари бўйича 3 гуруҳга бўлинган: 18 ёшдан 40 ёшгача, 41 ёшдан 60 ёшгача ҳамда 60 ёшдан катта беморлар. Жами беморларнинг аксарияти фаол меҳнат ёшидаги (18-40 ёш) беморлар бўлган. НСВ билан хасталанган беморларнинг умумий сонидан 97 нафари (43,3%) акрофациал шаклга эга (дистал учлар ва юз зарарланган ҳолда), 77 нафари (34,4%) фокал шаклга эга (яхлитликнинг бир қисмида жойлашган бир ёки бир нечта доғлар), 46 нафари (20,5%) - вульгар (терининг турли қисмларида носимметрик тарзда жойлашган кўплаб депигментацияланган доғлар) ҳамда 4 нафар (1,8%) беморларда депигментация майдони тахминан 80% бўлган универсал шаклли беморлар ташкил этган. Касалликни барқарорлик даражаси сифатида витилигиноз депигмент доғлар пайдо бўлиш вақтига кўра ўрганилган. Яъни, энг охириги депигмент доғ 3 ой аввал, 6 ой аввал, 12 ой аввал ҳамда 1 йилдан ошган муддатларда пайдо бўлмаган ҳолатларга бўлиб тақсимланган.

СВ билан хасталанган беморларда касалликни барқарорлик даражаси 6 ойдан 12 ойгача бўлган беморлар ташкил этган бўлса, депигмент доғлар 1 йил ва ундан кўп бўлган муддатда пайдо бўлмаётганлигини билдирган беморлар эса 28 (23,2%), 12 ойгача барқарор бўлган беморлар 38 нафарни (31,4%) ташкил этган. НСВ беморларнинг катта қисмини касалликни барқарорлик муддати 6 ойгача бўлган беморлар 40,2% (90 нафар бемор) ташкил этган бўлса, 3 ойгача бўлгани 21,9%, 12 ойгача бўлгани 25,9% (58 нафар бемор) ҳамда 1 йилдан кўп муддатдагиси 12,0% ни (27 нафар беморда) ташкил этган. Сегментар витилигода касаллик барқарорлик даражаси ўртача 8 ойни, носегментар витилигода эса ўртача 9 ойни ташкил этган. Тадқиқот давомида СВ ва НСВ беморларида депигментация доғларининг жойлашиш хусусиятлари бўйича кўрик вақтида таҳлил олиб борилган. СВ беморларидаги депигмент доғлар кўпинча юзда (энгак, чакка, пешона, юқори қовоқларда) жойлашган бўлиб, ушбу беморлар 41,3% ни ташкил этган бўлса, қўлларда – 26,4% ва танада – 21,5% ни ташкил этди. НСВ беморларининг деярли барчасида (n=202, 90%) патологик ўчоқ

симметрик жойлашган бўлиб, доғлар бир-бирига қўшилиб кетган, турли шаклларни ҳосил қилган. Депигментация доғлари, асосан 62,5% беморларда оёқ-қўлларда (билакнинг ташқи ва ички юзалари, болдир, тизза ва тирсак бўғимлари, оёқ ва бармоқларнинг орқа юзаси), 44 нафар (19,6%) беморларда юз соҳасида (кўз атрофи ва периорал соҳада), 40 нафар (17,9%) беморларнинг танасида жойлашган. VASI индекси бўйича 3 хил индекс қайд этилди. 5%, 10% ҳамда 25% индекс кўрсаткичлари белгиланган. VASI индекси бўйича ўртача кўрсаткич  $13,04 \pm 0,58$ га тенг эканлиги қайд этилди. НСВ билан касалланган беморлар орасида витилигонинг тарқалган шакллари бўлган беморлар сони устунлик қилди ( $n=140$ , 62,4%). Беморларнинг ушбу контингентиди ( $n=192$ , 85,7%) терининг патологик жараёни аста-секин ўсиб борди, 32 (14,3%) ҳолатда у тез ривожланди. VIDA кўрсаткичи бўйича терининг патологик жараёнининг фаоллиги 51 (22,8%) беморда шифохона босқичда, қолганларида ( $n=173$ , 77,2%) прогрессив босқичда бўлди. VIDA индексининг ўртача қиймати  $0,48 \pm 0,08$ ни ( $p \geq 0,05$ ) ташкил этиб, 4 хил, яъни «+2», «+1», «0» ҳамда «-1» индекс кўрсаткичлари қайд этилди. VIDA индекси бўйича ўртача силжиш кўрсаткичи юздаги патологик жараён учун  $0,16 \pm 0,14\%$ , танадаги доғлар учун  $0,73 \pm 0,18\%$ , қўллардаги доғлар учун  $0,66 \pm 0,13\%$  ва оёқлардаги доғлар учун  $0,58 \pm 0,15\%$ ни ташкил этди ( $p \leq 0,05$ ).

Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг витилиго билан касалланган беморларни клиник ҳолатини баҳолашда витилиго индекслари VASI ҳамда VIDA индексларининг роли ҳақидаги тасаввурларни кенгайтишига хизмат қилиб, витилиго билан касалланган беморларда VIDA индексининг паст кўрсаткичлари касалликни барқарорлик ҳолатида бўлишини билдирди.

Диссертациянинг **«Витилиго кузатилган беморларда Wnt1, BMP4 молекуляр сигнал йўллари ва c-kit оксилени ҳолатини баҳолаш»** деб номланган тўртинчи бобида меланогенезда иштирок этувчи сигнал йўллари ҳамда соч ўсиш циклида меланоцитларни фаоллаштиришга хизмат қилувчи рецептор c-kit оксиленининг витилиго билан хасталанган беморлар депигмент соҳасидаги, уларнинг соч фолликуласидан олинган ҳамда даволаш кейинги юзага келган репигмент теридан олинган биоптатдаги ҳолати иммуногистокимёвий тадқиқот усулида меланогенез жараёни баҳоланган. Олинган биоптатлар соғлом инсонлар терисидан олинган биоптатдаги ҳолат билан қиёсий баҳоланган ҳолда ўрганилган. Иммуногистокимёвий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, c-kit экспрессияси назорат гуруҳида анча юқори ҳолатда кузатилди  $48,0\% \pm 10,41$ ни ташкил этди, витилиго кузатилган беморлардаги депигментли терида эса унинг экспрессияси аниқланмади. Аммо витилиго билан касалланган беморлар соч фолликулаларида c-kit оксиленининг экспрессиясини назорат гуруҳидаги каби юқори ва  $40,5\% \pm 10,01$ ни ташкил этди.


Назорат гуруҳидаги инсонлар терисида BMP4 морфогенетик оксилени ўрганиш анча юқори кўрсаткичларни кўрсатди ва  $65,0\% \pm 8,46$ ни ташкил этди, аммо витилиго билан хасталанган беморларнинг депигмент соҳасида бу оксиленининг экспрессияси кузатилмади.

Уларнинг соч фолликулаларида эса назорат гуруҳидаги каби юқори ва  $53,5\% \pm 10,44$ ни ташкил этди. Натижалар шуни кўрсатадики, BMP4

транскрипциявий равишда МІТГ экспрессиясини тартибга солиши мумкин ва бу эса сўнгги маълумотлардаги цАМФҒа боғлиқ бўлган йўл BMP4 томонидан келиб чиқадиган ўзгаришларга воситачилик қилиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди.




Назорат гуруҳи (соғлом тери) - BMP4, ижобий реакция, хужайралар жигарранг рангга бўялган. Об. 40 x Ок. 20.




Назорат гуруҳи (соғлом тери) – c-kit, ижобий реакция, хужайралар жигарранг рангга бўялган. Об. 40 x Ок. 20.




Депигмент тери– BMP4, манфий реакция, хужайралар жигарранг рангга бўялмаган. Об. 40 x Ок. 20.




Депигмент тери – c-Kit, манфий реакция, хужайралар жигарранг рангга бўялмаган. Об. 40 x Ок. 20.




Соч фолликуласи (витилиго кузатилган беморларда) – BMP4, ижобий реакция, хужайралар жигарранг рангга бўялган. Об. 40 x Ок. 20.




Соч фолликуласи (витилиго кузатилган беморларда)–c-kit, ижобий реакция, хужайралар жигарранг рангга бўялган. Об. 40 x Ок. 20.




NCECS муолажасидан кейинги репигмент теридан олинган биоптат – VMP4, манфий реакция, хужайралар жигарранг рангга бўлмаган.  
Об. 40 х Ок. 20.



NCECS+NCORSHFS муолажасидан кейинги репигмент теридан олинган биоптат – VMP4, мусбат реакция, хужайралар жигарранг рангга бўлган.  
Об. 40 х Ок. 20.



NCECS муолажасидан кейинги репигмент теридан олинган биоптат – c-kit, манфий реакция, хужайралар жигарранг рангга бўлмаган.  
Об. 40 х Ок. 20.



NCECS+ NCORSHFS муолажасидан кейинги репигмент теридан олинган биоптат – c-kit, мусбат реакция, хужайралар жигарранг рангга бўлган.  
Об. 40 х Ок. 20.

**1-расм. Депигментли тери ва соч фолликулалари ўзак хужайра сигнал йўллари ва рецепторлари экспрессиясининг иммуногистокимёвий кўрсаткичлари**

Диссертациянинг «**Витилиго билан хасталанган беморларда TRP2 оксили ҳолати**» деб номланган бешинчи бобида витилиго билан касалланган беморларда тирозиназа билан боғланган оксил (TRP2) миқдори депигмент доғларда, витилиго билан касалланган беморлар соч фолликуласи ҳамда даволашдан кейинги юзага келган репигментация соҳасидаги TRP2 экспрессияси ҳолатига баҳоланган.

Витилиго билан касалланган беморлар депигмент соҳасидаги TRP2 экспрессиясида назорат билан таққослаганда 51 баравар камайиш кузатилган, соч фолликулаларидан (NCECS+NCORSHFS) культура қиланмаган аутомеланоцитлар трансплантацияси қилинган беморлар гуруҳида TRP2 экспрессияси 44,5 мартага ошган. Даволашдан олдинги беморлар гуруҳига нисбатан, назорат даражасига етиб бормади ( $p < 0.001$ ). Соч фолликулаларида TRP2 даражасининг ўсиши трансплантациядан олдинги ҳолатга нисбатан 38 марта, аммо назорат гуруҳига қараганда 1,34 марта камлиги аниқланди ( $p < 0,01$ ).

Ўз навбатида, соч фолликулаларидан (NCECS+NCORSHFS) нокультурал аутомеланоцитлар трансплантация қилинганидан кейин TRP2 оксилининг



экспрессияси нокультурал аутомеланоцитлар трансплантациясидан кейин ушбу кўрсаткичдан 8,9 баравар юкори (NCECS) ( $p < 0,001$ ).

Витилиго билан хасталанган бемор елка соҳасига NCECS муолажаси амалга оширилгандан сўнг депигмент соҳадаги юзага келган репигментация нормал териға нисбатан бир оз оч рангда бўлиши билан ажралиб туради.



**2-расм. Нокультурал аутомеланоцитларни меланоцитар трансплантациядан олдинги(1) ва кейинги(2) натижалари (NCECS)**

Тадқиқот давомида аниқланишича, культура қилинмаган эпидермал меланоцитлар ва соч фолликулаларини трансплантация қилиш усуллари витилиго билан оғриган беморларда юкори самарадорликни кўрсатди. 6 ойдан кейин NCECS дан кейинги клиник кўриниш репигментация даражасининг  $63,17 \pm 2,47\%$ га, NCECS+NCORSHFS дан кейин  $85,88 \pm 1,82\%$ га ўсганлигини кўрсатди.




**3-расм. Нокультурал аутомеланоцитларни соч фолликулалари билан меланоцитар трансплантациядан олдинги(1) ва кейинги(2) натижалари (NCECS+NCORSHFS)**


Диссертациянинг «Витилиго билан касалланган беморларда Bcl-2 апоптоз регуляторининг ҳолати» деб номланган олтинчи бобида витилиго билан оғриган беморларда Bcl2 апоптоз регуляторининг ҳолатига бағишланган.

Витилиго билан касалланган беморларда даволанишдан олдин ва кейин Bcl-2 апоптоз регуляторининг экспрессия даражаси аниқланган.


Тадқиқотдан маълум бўлишича Bcl2 апоптоз регулятори депигмент терида экспрессияланмади. Аммо витилиго билан оғриган беморлар соч фолликулалари Bcl2 экспрессияси  $37,00 \pm 11,65\%$  ни ташкил этди. Назорат гуруҳи сифатида олинган соғлом терида Bcl2 экспрессияси  $34,00 \pm 8,19\%$  ни ташкил этди. Бундан шу маълум бўладики, меланоцит ўзак хужайралари дифференциясидан юзага келувчи етилган меланоцитлар турли хил аутоиммун жараёнлар, жумладан оксидатив зўриқиш каби таъсирлар ҳисобига Bcl2 апоптоз регулятори камайиши ва меланогенез бузилишига олиб келади. Ундан кейинги босқичда мавжуд пигмент соҳа депигментлашиши юзага келади.



Назорат гуруҳи (соғлом тери) – Bcl2, мусбат реакция, хужайралар жигарранг рангга бўялган.  
Об. 40 х Ок. 20.



Депигментли тери (витилиго, даволан олдин) - Bcl2, манфий реакция, хужайралар жигарранг рангга бўялмаган.  
Об. 40 х Ок. 20.



Соч фолликуллар (витилиго беморларда) – Bcl2, мусбат реакция, хужайралар жигарранг рангга бўялган. Об. 40 х Ок. 20.

#### 4-расм. Биоптатларда Bcl2 молекуласининг экспрессия ҳолати

Бизнинг тадқиқотимизда Bcl2 даражаси пигментланган эпидермисга нисбатан депигмент эпидермисда пастроқ бўлди. Меланоцитларда Bcl2 экспрессиясинининг юқори даражаси ва кератиноцитларда паст даражалар туфайли депигментация қилинган эпидермисдаги Bcl2 даражасининг пастлиги меланоцитларнинг йўқолиши натижасида юзага келиши мумкин. Тадқиқот натижалари NCECS+NCORSHFS билан даволанган беморлар гуруҳида апоптотик оқсил Bcl2 экспрессиясининг назорат гуруҳига нисбатан 2,5 баравар камайганлигини кўрсатди ( $13,50\%$  ва  $34,00\%$ ;  $p < 0,05$ ). Bcl2 молекуласи сочларда

ўрганилган беморлар гуруҳида Bcl2 экспрессиясининг назоратга гуруҳига нисбатан 1,1 баравар кўпайиши қайд этилди (37,00%га нисбатан 34,00%;  $p<0,01$ ). Жарроҳлик трансплантациясидан олдин витилиго беморлари гуруҳларида ва NCECS усули билан даволанган гуруҳда Bcl2 молекуласининг экспрессияси аниқланмади.

NCECS+NCORSHFS гуруҳида Bcl2 экспрессияси юқори эди, NCECS усулида даволанган беморларда бу кўрсаткич паст эди (13,50% vs 0%;  $p<0,05$ ).

